

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



**Сарҳисоб
ва режалар**

Хорижий инвесторларнинг ФАРҒОНАГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Бунинг натижасида экспорт ҳажми ва иш ўринлари кўпаймоқда

Нуриддин МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари –
Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси
бошлиғи



Давоми 2-бетда

Жараён

Секторлар раҳбарлари "Тараққиёт" КСЗда



Шу ҳафтада вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва секторлар раҳбарлари Тошлоқ тумани ҳудудида ташкил этилган "Тараққиёт" кичик саноат зонасида барпо этилаётган янги ишлаб чиқариш лойиҳаларининг қурилиш жараёнлари билан танишдилар.



"Golden-paper-kraft" МЧЖ кичик саноат зонасида 5 та лойиҳани амалга оширмоқчи. Яъни, 2025-2026 йиллар давомида махсус қоғоз, гипсокартон, ҳар хил турдаги клей маҳсулотлари, электромобиль ва автомобиллар учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.
Талбиркор Шерзод Бобоев тақдимот чоғида амалга оширмоқчи бўлган лойиҳаларнинг истиқболи, қутилаётган натижалар бўйича маълумотлар берди.
Шунингдек, "Фарғонаметаллургия-заводи" МЧЖ ҚК томонидан металл ни қайта ишлаш заводида ҳамда "Водий мархабо" МЧЖнинг 5,3 миллион АҚШ доллари сармоя киритилиши ҳисобига барпо этаётган автоклав, газоблок ишлаб чиқариш корхонасидаги қурилиш ишлари кўздан кечирилди.



Муслимбек ТўЛАНОВ
олган суратлар.

Мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиз инвестиция жозибadorлигини ошириш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш ва ўзгаришлар, аynиқса, либераллашётган иқтисодийёт чет эл инвесторларида катта қизиқиш уйғотди.
Хорижий инвесторларга берилаётган имтиёзлар ҳамда уларга бўлган муносабат мутлақо янги босқичда олиб бориляпти. Ватанимизга ташриф буюрган сармоядорлар бу ислохотлар билан яқиндан танишиб, ҳар бир ҳудудда, жумладан, Фарғона вилоятида, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикасини Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Европа ва бошқа ҳудудлар билан мустаҳкам боғловчи кўприк бўлишига замин яратмоқда.

Қўқон АЭРОПОРТИ:



Я НГИ ЛОЙИҲАЛАР "ПАРВОЗ" ГА ШАЙЛАНМОҚДА

Қўқон аэропорти 1977 йилда қурилган бўлиб, яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган. Кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация натижасида ушбу аэропорт орқали яна фуқаро авиацияси парвозлари йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон аэропорти билан танишар экан, авиақатновлар ва ички йўналишларда рейслар сонини ошириш, йўловчиларга сифатли авиахизмат кўрсатиш бўйича масъулларга топшириқлар берган эди.
Қайтадан ишга туширилган аэропортда қандай ўзгаришлар юз берди? Аввало, аэропортнинг ишга туширилиши Қўқон шаҳри ва атроф туманлар аҳолиси учун йиллар давомидаги орзунинг ушалиши сифатида қувончли воқеа бўлганини таъкидлаш лозим. Президентимиз ташрифидан сўнг кўп ўтмай, 70 нафардан зиёд йўловчи сифимиға эга бўлган АТР 72 самолётлари "Қўқон – Тошкент" йўналишида хизмат кўрсатишни бошлади.
Қўқон аэропорти ҳар қандай маҳаллий рейсларни қабул қила олиши учун ўчиш-қўниш йўлагига тунги ёритиш чироқлари, флюгер ва замонавий радиолокация ускуналари ўрнатилди. Йўловчилар ҳар томонла-

ма қулай самолётларда учиб имкониятига эга бўлдилар.
Ўтган қисқа вақт ичида Қўқон аэропорти орқали 117 та авиарейс амалга оширилди ва 2782 нафар йўловчиға хизмат кўрсатилди. Янги турдаги самолётлар қатновининг йўлга қўйилиши авиация хизматларидан фойдаланаётган фуқаролар сонининг кўпайишиға сабаб бўлди.
Яқиндан бошлаб эса Бухороға авиақатновлар амалға оширила бошланди. Икки қадимий ва навқирон шаҳарлар ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида дастлабки рейсда Ҳўқанди латифнинг нуронийлари, давлат ва жамоатчилик вакилларидан иборат делегация шариф кентға парвоз қилди. Йўловчилар "Силк-авиа" авиакомпаниясининг АТР 72 самолётида икки доvon оша 1 соату 20 дақиқа давомида кема командири Тарас Шелест бошчилигидаги экипаж аъзоларининг юқори маҳорати ва ширин муомаласидан баҳраманд бўлдилар.
Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланган аэропортдан бугун



**СЎЗИ ОЗОД,
РУҲИ ОЗОД,
ЎЗИ ОЗОД...**

4-бет

Озод Шарафиддинов адабиёт илмиға, аниқроқ қилиб айтсак, адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозирғача у мана шу фазилатни сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Тарихга назар

Қўчманчи ЎЗБЕКЛАР ДАВЛАТИ БўЛГАНМИДИ?

3-бет



ОРЗУЛАРИ КЕЧИККАН МАҲКУМА



3-бет

мамлакатимизнинг жанубида жойлашган Термиз шаҳриға ҳам парвозлар амалға оширилмоқда. "Қўқон – Тошкент", "Тошкент – Қўқон" йўналишларида авиачипталар рейслардан бир неча кун аввал сотиб бўлинмоқда. Айни пайтда шаҳар ҳокимлиги томонидан авиакомпанияға ушбу рейсларға кўпроқ йўловчи ташийдиган самолётларни қўйиш таклифи берилган.
Жаҳон хўнармандлари шаҳри аэропорти лойиҳаси нафақат парвозлар сонини ошириш, балки пировард мақсадда сайёҳлик, савдо соҳаларини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришға қаратилган кенг қамровли инфратузилмалар жамланмасидир. Яқин келажақда ҳудуд замонавий меҳмонхона, хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган юқори даражада урбанизациялашган маконға айланиши кўтилмоқда. Ишончимиз комилки, Қўқон аэропорти дунёнинг энг машҳур, улкан ҳаво лайнерлари учиб-қўнадиған ҳаво бандаргоҳиға айланади.

Абдужалил БОБОЖОНОВ,
Улўбек НОРБОЕВ.

Хорижий инвесторларнинг ФАРҒОНАГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА



Бошланиши
1-бета.

Бунинг
натijasида
экспорт ҳажми ва иш
ўринлари
кўпаймоқда

ва ин-
вестиция
имкониятла-
рини намайиш
этиш мақсадида 2024
йилнинг 17-18 октябрь

кунлари Қўқон шаҳрида
"Фарғона – водий гавҳари. Инвестициялар ва туризм истиқболлари"

мавзусидаги биринчи халқаро форум ўтказилди. Анжуман доирасидаги тадбирларда дунёнинг 30 дан ортик мамлакатларидан 100 дан ортик чет элик тадбиркорлар қатнашди. Умумий қиймати 223,3 миллион АҚШ долларлиги 25 та инвестиция келишувлари ва савдо битимлари имзоланди.

Вилоятимиз делегациясининг Корея Республикасига ташрифи чоғида қиймати 219 миллион АҚШ долларлиги 12 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Шунингдек, Фарғона-Чунгоннамдо савдо уйи ташкил этилди.

2025 йилда вилоятимизда инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш ва фаол ўзлаштириш, экспорт кўрсаткичларини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йил 3 декабрь кунин Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилиш юзасидан имзоланган қарор асосида умумий қиймати 6 миллиард АҚШ долларлиги, 1,2 мингта инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Мазкур қарор ижроси доирасида 2025 йилда 3,7 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. Натijaда 44 мингта юқори даромадли янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Данғара туманида Хитой Халқ Республикаси билан "Qashqar po'lat metal" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 10 миллион

АҚШ доллари бўлган гайка ва болт ишлаб чиқариш лойиҳаси бажарилади, 30 та иш ўрни барпо этилади.

Учкўприк туманидаги "Ен Хин" хорижий корхонаси эса керамик (кафель) плиталар тайёрлаш лойиҳаси доирасида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўзлаштирилиши эвазига 500 та янги иш ўрни ва 3 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилади.

Бу йил вилоятимизда 1,5 миллиард АҚШ долларлиги маҳсулотни экспортга чиқариш режалаштирилган. Шундан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 475 миллион, саноат маҳсулотлари 1 миллиард 25 миллион долларни ташкил этади. Бу билан экспорт кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ўсиши таъминланади.

Юқоридagi кўзланган марраларнинг эгаллиниши Фарғонада 95 та янги корхона ташкил этиш ва 185 миллион долларлик 10 та янги турдаги маҳсулотлар – қаврак, заъфарон ва доривор гиёҳлар экспортини йўлга қўйиш имконини беради. Қолаверса, АҚШ, Швеция, Венгрия, Бахрайн каби давлатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – узум, гилос, шафтоли, мош ва қайта ишланган мевалар экспортини қарралага орттиришимиз ҳисобига қўшимча 110 миллион доллар маблағ туширилади. Шунинг қўшимча қилиш кераки, 2024 йилда ишга туширилган янги саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар эвазига қўшни давлатлар ва аънавий бозорларга маҳсулот сотиш ҳажми энг камида 210 миллион доллар орттирилади.

Кувасой шаҳрида "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси" ҳудуди 210 гектарга кенгайтирилиши ҳисобига 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳа амалга оширилади ва 11,8 мингта юқори даромадли иш ўринлари яратилади.

Қўқонда махсус саноат зонаси – "Қўқон технопарки"ни ташкил этиш чоралари қўрилмоқда. Технопаркка ажратилаётган 230 гектар ер майдонда дастлабки босқичда 1,5 миллиард АҚШ долларлиги лойиҳаларни бошлаш ва камида 5 мингдан ортик янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди. Бундан ташқари, туман ва шаҳарлардаги 1210 гектар ер майдонларида махсус саноат зоналарини ташкил этиш бўйича ишлар жадал олиб бориламоқда.

Бу йил инвестицияларни ўзлаштириш ва экспорт кўрсаткичларини янги босқичга олиб чиқиш учун барча имкониятлар, имтиёзлар мавжуд. Улардан самарали, оқилона фойдаланиш кўзланган юксак марраларни забт этишга асос бўлиб хизмат қилади.

Фарғона вилоятда инвестициялар, саноат ва савдо йўналишида 2024 йилда қандай ишлар амалга оширилди, жорий йилдаги вазифалар нима-лардан иборат?

Вилоятимизнинг инвестицион жозибдорлиги ошиб бораётгани S&P Global rating (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган кўрсаткичларда ҳам ўз исботини топди. Яъни, дунёнинг энг нуфузли рейтинг агентлиги вилоятимизни мустаҳкам молиявий индикаторлари ва юқори иқтисодий салоҳияти учун "В+" – барқарор кредит рейтингига эга, деб топди. Шунингдек, ушбу халқаро агентлик ўтган йили 6 декабрь кунин эълон қилган ҳисоботида Фарғона вилоятини хорижий ва миллий валютадаги узоқ муддатли кредит рейтингини ҳам "В+" даражасида қайта тасдиқлади.

Ҳисоботида вилоят бюджетининг юқори ўсиш кўрсаткичлари ҳамда тижорий қарздорликнинг мавжуд эмаслиги, қарздорлик деярли нолга тенг экани натижасида ликвидлик кўрсаткичлари бўйича юқори барқарорлиқни сақлаб қолгани алоҳида эътироф этилди.

Бунда, шубҳасиз, фаол ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳамжи ва жадал ташқи савдо динамикаси алоҳида ижобий таъсир кўрсатди.

Вилоятимизда инвестицияларни ўзлаштириш бўйича ўтган йил катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Йил якунига қадар 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва белгиланган прогноз кўрсаткичлари 114,1 фоизга

бажарилди.

Қўқон шаҳридаги "Indogama Kokand textile" акционерлик жамияти хусусий корхонаси томонидан 27,0 миллион долларлик, Қўштепа туманидаги "Global textile infinity" томонидан 40,0 миллион, Фарғона шаҳридаги "Unays building" масъулияти чекланган жамияти томонидан 27,2 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

2024 йилда вилоятда қиймати 335,5 миллион АҚШ долларлиги 35 та ийрик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватлари фойдаланишга топширилди. Мисол учун, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда Кувасой шаҳрида "Blue carbon" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси томонидан қиймати 10 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига қуёш панеллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилиб, 65 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган йили инвестиция дастурлари доирасида 1 034 миллион АҚШ долларлиги 1182 та лойиҳа ишга туширилиб, бунинг ҳисобига 36 мингдан ортик иш ўринлари яратилди. Жумладан, саноат йўналишида 715 миллион долларлик 520 та лойиҳа амалга оширилиши туфайли 15,2 мингта янги иш ўрни, хизмат кўрсатиш йўналишида 269 миллион долларлик 539 та лойиҳа натижасида 7,2 мингта, қишлоқ хўжалиги йўналишида 50 миллион долларлик 123 та лойиҳа натижасида 13,6 мингта иш ўрни яратилди.

Германия билан ҳамкорликда Фарғона шаҳрида "Teamdex holding GmbH" масъулияти чекланган жамия-

яти томонидан қиймати 3,2 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига махсус кийим-бош ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди, 200 та иш ўрни яратилди.

2024 йил давомида жами 1 миллиард АҚШ долларлиги экспорт амалга оширилди. Шундан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 332 миллион доллар, саноат маҳсулотлари 672 миллион долларни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 134 фоиз ўсиш таъминланди. Экспорт географияси 22 та давлатга кенгайди. Миср, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Перу, Коста-Рика, Колумбия, Канада, Англия, Сербия, Словакия, Аргентина, Иордания, Қувайт, Франция ана шулар жумласидандир.

Маҳсулотлар экспорти Италия, Япония, Испания ва Саудияга 4 баробар, Бирлашган Араб Амирликлари, Тунис ва Туркияга 3 ва Беларусга 2 баробар ортиди. Шу билан бирга, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш ҳамда маҳаллий экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Савдони ривожлантириш компанияси томонидан 124 та экспортёр корхоналарга жами 51,4 миллиард сўм маблағлар қўллаб-қувватлаш бу корхоналар 182,2 миллион долларлик экспортни амалга оширди. Шунингдек, 27 та экспортёр корхоналарга 25,9 миллион доллар экспорт олди

кредит маблағлари ажратилиши туфайли улар томонидан 63,4 миллион долларлик маҳсулот четга сотилди. Экспортга чиқарилган маҳсулотларни асосан ип калава (180,6 миллион), тикув-трикотаж (70,2 миллион), кимёвий ўғитлар (64,6 миллион), ун маҳсулотлари (43,4 миллион), цемент ва боғловчи материаллар (14,1 миллион), тиббий буюмлар (10,7 миллион) АҚШ долларини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида эса 253 миллион АҚШ долларлиги 285 минг тонна ҳўл мева, 38,8 миллион долларлик 93,5 минг тонна сабзавот, 21 миллион долларлик 30,6 минг тонна қуритилган мева-сабзавот, 4,7 миллион долларлик 17 минг тонна полиз ҳамда 14,3 миллион долларлик 18,2 минг тонна дуқакли экин маҳсулотлари экспорт қилинди.

Бугунги кунга қадар шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Марказий банк билан ҳамкорликда Жаҳон банки маблағларидан молиялаштирилган қиймати 34 миллион долларлик 28 та истиқболли лойиҳалар манзил-лу рўйхати шакллантирилди. Бу иш давом эттирилмоқда.

Вилоят ҳокими раҳбарлигидаги делегацияимизнинг ўтган йилда хорижа амалга оширилган ташрифлари ҳамда инвесторларни вилоятга жалб қилиш доирасида имзоланган ҳужжатлар бўйича ишлаб чиқилган амалий ҳаракатлар режаси ("йўл харитаси") га киритилган қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларлиги 158 та лойиҳа устида ишлар олиб бориламоқда.

Вилоятга хорижий инвестициялар оқимини ошириш, савдо-иқтисодий

Жараён

ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКЛАР

Фарғона вилоятда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Ўтган чоршанба кунин вилоятимизга ташриф буюрган яна бир Хитой ишбилармонлари делегацияси кўп қаватли турар жой бинолари ва замонавий меҳмонхона қурилиши бўйича ҳамкорлик режаларини тақдим этди. Амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар юзасидан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган музокарада ҳамкорларга Фарғона ва Марғилон шаҳарларида олиб борилаётган қурилиш жараёнлари ҳақида маълумот берилди.

Тожикистонлик тадбиркор Хайридин Бобоев ўз маблағлари ҳисобига Бешарик туманида сигими 2 минг тонна бўлган суволирилган газ сақлаш омбори қуриш ниятида. Бу лойиҳа доирасида автомобиллар, ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари ва аҳоли учун суволирилган газ этказиб беришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шу ҳафтада вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган қабул чоғида лойиҳа учун мақбул жой ва аниқ тақлифлар асосида музокара-ларни давом эттиришга келишилди.

Вилоят ҳокимлигида Қатарнинг "JTA holding international" компанияси раҳбари Амир Али Салеми билан ташкил этилган видеоконференцақоқда ўзаро ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Онлайн мулоқотда ушбу компания билан узоқ муддатли, томонлар учун манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди, истиқболли лойиҳалар бўйича тақлифлар билдирилди.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

Фарғона тумани, "Ёйилма" МФЙ, Баҳористон кўчаси, 47-уйда жойлашган "JAMOLDIN MUXRIDDIN" оилавий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳридаги "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси" қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, мавжуд 24 та лотнинг барчаси ўз эгасини топган. Бу ерда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.



"Тепло идеал" МЧЖ мазкур саноат зонада иш бошлаган биринчи тадбиркорлик субъектларидан бири. Ишбилармон Аҳмаджон Маъмуров ўз лойиҳасини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун қийинчилик сезмади. Чунки аввал муҳим жойга эга бўлмаган бўлса-да, металлдан турли буюмлар ясаб, ички бозорга чиқарган, буюртмалар асосида иситиш печи ва қозонлари ишлаб чиқариб, даромад топган. Эндиликда эса 12 сотиқ майдонда ўз корхонасини бунёд этди, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтирди, янги иш ўринларини яратди.

– Тадбиркорлик қилиш учун бир неча маротаба жой алмаштиришга мажбур бўлганмиз. Президентимизнинг соҳага бўлган эътибори, доимий қўллаб-қувватлашлари туфайли ўз имкониятларимиздан кенгроқ фойдаланишга замин яратилди. 2021 йилда доимий ишлаб чиқариш майдонига эга бўлдим. Мана уч йилдан ошдики, қулай шарт-шароит ва муҳим инфратузилма мавжуд бўлган саноат зонасида фаолият юритиб келяпмиз, – дейди Аҳмаджон Маъмуров. Ҳозирда корхонада 30 нафардан зиёд доимий ва 20 на-

ТАДБИРКОРЛИК ОРИТДАН МУВАФФАҚИЯТ КЕЛАДИ

фарга яқин мавсумий ишчилар томонидан кўйри ёқилгисига мўлжалланган иситиш қозонлари тайёрланмоқда. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2496 та-ни ташкил қилади. Маҳсулотлар ички бозорда, кўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республика-ларига сотилмоқда.

Тадбиркорнинг таъкиди-ча, асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар хом ашёсидан фойдаланилади, қисман Польша давлатидан келтирилади. Кор-хонада дастлаб икки-уч турдаги иситиш қозонлари тайёрланган бўлса, бозор талабини ўрганиш, қолаверса, йил сайин ошиб бораётган тажриба асосида бугунги кунда уларнинг тури 7 тага етди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қулайлиги – ёқилгитежамкор, марказий ва алоҳида иситиш қозонларини ўрнатиш учун кўп куч, маблағ сарф қилинмайди, жойлашув майдони катта эмас.

– Янги лойиҳалар устида иш олиб бориладими, – дейди тадбиркор. – Уларни амалга ошириш қўшимча жой билан боғлиқлиги учун аукцион орқали Тошлоқ тумани ҳудудидаги "Тараққиёт" кичик саноат зона-сидан 2 гектар ер сотиб олдим. Албатта, корхонанинг кенгайтири-иш ишлаб чиқариш ҳажми ва турини оширишга замин яратди. 72 миллиард сўмлик инвестицион лойиҳа орқали қўшимча 350

нафар ишчи ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Тез орада янги лойиҳани ишга туширсак, "Тепло идеал" бренди остида марказий, алоҳида иситиш қозонлари, за-монавий радиаторлар, аристон ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Саноат зонасидаги энг яхши ишлаб чиқарувчилардан бири сифатида тилга олинаётган кичик корхона ишчилари учун бепул тушлик ташкил қилинган, узоқ масофадан келувчилар учун

ётоқхона мавжуд. Аҳил жамоа аъзолари яратилган шароитлар ва меҳнатларига яраша иш ҳақи олишга тўғри келган мамнуликларини айтаиб ўтишди.

Муваффақиятли тадбиркор бўлиш учун инсон иситишдан, ташаббус кўрсатишдан тўхтамаслиги керак. Бу ҳаётий ҳақиқат ёш ишбилармон шioriга айланган.

Муаттар ТУРПУНБОЙ қизи.



JISMONIY TARBIIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI FARG'ONA FILIALI KAFEDRALARIGA QUIYDAGI BO'SH ISH O'RINLARIGA TANLOV E'LON QILADI:

- professor;
- dotsent;
- katta o'qituvchi;
- o'qituvchi.

Tanlovda ishtirok etish uchun quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:
- filial direktori nomiga ariza;
- pasport nusxasi;

- kadrlarni qayd qilish shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti haqidagi diplom nusxasi.
Tanlovda ishtirok etish uchun arizalar e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy davomida qabul qilinadi.

MANZIL: Farg'ona shahar, Iste'dod ko'chasi, 3-а, а" uy.
Telefon: 73 243-07-66.
E-mail: Sporteduff.uz

Тарихга назар

Кетаяпмиз... қай манзил томон?

Мулоҳаза

Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган замонлардан тубдан фарқ қиладиган жамиятда яшамоқдамиз. Ҳозирги даврда энг оммалашган тараққиёт меvasи – уяли алоқа воситаси, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар ҳисобланади. Бундай технологияларсиз бир кунни тасаввур этиш мушкул бўлиб қолди.

Хар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил максатда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Таассуфки, ўсиб келаётган ёш авлод бугун мобил қурилмалар имкониятларидан самарали фойдаланиш ўрнига, соатлаб унга термуллар ҳам олтига тенг вақтларини беҳуда соворишмоқда. Бунинг натижасида, айримлар боши берк кўчага кириб қолишмоқда. Улар танлаган йўллари қаерга олиб боришини англаб етишмаяпти.



Мўмина ФОЗИЛХҲАЕВА,
вилоят Ички ишлар бошқармаси ЖХХ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси катта инспектори, майор:

Виртуал дунёга қарамликнинг фояти ўткир ва кенг қамровли таъсирини ён-атрофимизда бўлаётган воқеа, ҳодисалар орқали ҳам кўриб-билиб турибмиз. Хусусан, сўнги пайтларда нутқимизда "вайнер", "инстаблогер", "тиктокер" каби янги иборалар пайдо бўлди. Улар орасида омманинг эътиборини тортиш мақсадида "Қиз фарзанд кўрсам, уни...", "Битта лайк" учун отамни ураман" каби инсониятга хос бўлмаган фикрлар билан ижтимоий тармоқларни "портлатаётган" жохил кимсаларнинг борлиги ҳар қандай инсонни чўқур мулоҳаза қилишга чорлайди. Улар бу каби чиқишлари билан ёшлар онгини захарламаяптими? Эндигина мустақил ҳаётга қадам босаётганларнинг бундай маънавий тубанликдан максасди нима?

Лола ДЕҲҚОНОВА,
Фаргона шаҳридаги Президент мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:



– Махфий мақсадга эга мобил иловалар орқали ўзига ёт ижтимоий тармоқларга кириш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали айрим интернет фойдаланувчилари кибержиноятлар қурбонига айланмоқда. Бу каби жиноятларнинг салмоғи ёшлар орасида сезиларли даражада ошган. Кибержиноятчининг қуроли – интернет. У қаратган объект эса мобил алоқа воситаси ёки компьютер фойдаланувчиси, албатта.

Шерали ОМОНОВ,
Фаргона давлат университети ўқитувчиси, психолог:

– Жамиятимизда мутлақо янги мазмундаги ижтимоий-маънавий ҳаёт ҳукмронлик қилмоқда. Энди муаммолар маълум минтақага эмас, бутун дунёга тарқамоқда. Миллий менталитетга хос бўлмаган, ёт қадриятлар умуллайшмоқда. Хусусан, квадробика – ҳайвонларга тақлид қилиш аслида субмаданиятдир. Юртимизга етиб келишдан олдин бу хоризж мамлакатларида шов-шувга сабаб бўлди ва жуда кўп муҳокамаларни келтириб чиқарди. Қўлидаги мобил апарати ёрдамида шундай манзарани бевосита кузатган ёшлар кейинчалик унинг туб моҳиятини англаб етмасдан ўзлари ҳам тақлид қила бошлашди.

Шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларига, соғлом фикр негизида шаклланиган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлса, турли ёт маданиятларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона хиёлиларига тайёр туради. Бунинг учун педагоглар доимо ҳушёр туриши керак. Чунки, таълимни тарбиядан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

– Махфий мақсадга эга мобил иловалар орқали ўзига ёт ижтимоий тармоқларга кириш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали айрим интернет фойдаланувчилари кибержиноятлар қурбонига айланмоқда. Бу каби жиноятларнинг салмоғи ёшлар орасида сезиларли даражада ошган. Кибержиноятчининг қуроли – интернет. У қаратган объект эса мобил алоқа воситаси ёки компьютер фойдаланувчиси, албатта.

Ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўларди: доимо сергак бўлиш лозим. Ҳар қандай, хабарни шубҳа остига олиш ва унинг тўғри-нотўғрилигига ишонч ҳосил қилиш, инсонни ҳавф-хатардан ҳимоя қиладди. Қаердаки бепарволик, лоқайдлик ҳукм сурса, ота-оналар томонидан фарзанди билан боғлиқ арзимасдек туюлган ҳодисалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда тарбия энг ожиз нуқтага айланади. Аксинча, назорат остига олинган эркинлик туйғайли бола униб-ўсиб, замонавий технологиялардан умумли фойдаланиш орқали энг қудратли кўчга айланади.

Юқоридаги фикрлардан англашмоқдаки, шарқона ахлоқ – ота-бобларимизнинг ибратли ҳаёти, миллий қадрият, ўзбекона ор-номус, уят ва андиша, шарм-у ҳаё, ибодат каби ахлоқий туйғу ва тушунчалар қон-қонимизга сингиб кетган. Биз бунчи теоранг англаб етишимиз керак, албатта.

– "Замон сенга боқмаса, сен замонга бок". Бу ҳикмат ўз-ўзиндан пайдо бўлмаган. Тўғри, замон ил-ғарилаб борапти. Келажак бизни оламшумул ихтиролар билан лол қолдиришда давом этади. Аммо унинг ижобий томонларини илғаб, ҳаёт йўлимизга синг-дирсақ, бораб йўлимиз анга, ойдин ва максасди бўлади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Ў


збекларнинг келиб чиқиши ҳақида олимлар турли-чирли фикрлар айтилган. Баъзи бир олимлар ўзбеклар ўз номини Олтин Урда хони ўзбекхон (1312–1342 й.й.)дан олган деб айтадилар.

Рус шарқшунос тарихчиси Н.А.Аристовнинг фикрича, "ўзбек" номи ўзбекхонга умуман тарихда учрамайди. "Шунинг учун ҳам ўзбеклар ўз номини ана шу хондан олган, деб ҳисоблаш керак", деб хулоса қиладди. Яна бир тарихчи олим А.Ю.Якубовский "ўзбек" сўзи форсча "ўзбекиён" – "ўзбекини" сўздан келиб чиққан деб тахмин қилиб, у ҳам ўзбеклар ўз номини юқорида тилга олинган ўзбекхондан олган, деб айтади.

Рус олими В.В.Григорьев ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида айтилган юқоридаги каби фикрлар асосис эканлигини ўз вақтида биринчи бўлиб кўрсатди. Профессор А.А.Семёнов В.В.Григорьевни қувватлаб, "ўзбек" сўзи ўзбекхондан қарийб 100 йил кейин Оқ Урдада келиб чиққанлигини, XIV–XV асрда яшаган Марказий Осиё ва Эрон тарихчилари Оқ Урданинг турк-мўғул кўчманчи қабилаларини шу ном билан атаганлиқларини айтди. Яна бир гуруҳ тарихчилар ҳам (П.Пельс, А.П.Чулошников) борки, улар Дашти қипчоқнинг кўчманчи турк-мўғул қабилалари ўзларининг эркинлиги туйғайли "ўзбек" деб аталган ва шу сабабдан "ўзбек" номини олган, деб ёздилар.

Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганишда М.Г.Вахобовнинг 1960 йилда нашр қилинган "Ўзбек социалистик миллати" номили китоби ҳам диққатга сазовор. Муаллиф китобнинг қарийб бар бобини ўзбекларнинг келиб чиқиши ва уларнинг этник таркибига бағишлаган. Тарихчи олим ўзбекларнинг Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири бўлганлигини эътироф қилиб, унинг асосан XIX асрдаги этник таркиби ва этник ҳудудини кўрсатиб берган бўлса-да, лекин ўзбек халқининг этник жиҳатдан расмийлашувида муҳим роль ўйнаган кўчманчи ўзбеклар эканлигини ва уларнинг этник таркибини очиб бермаган.

"Ўзбек" атамаси Жувайний ва Рашидиддин (XIII аср) замонида маълум. Элхон Абакхон (1265–1282 й.й.) замонида яшаган машҳур шоир Пури Баҳо (Тождидин ибн Баҳоуддин)нинг "Мўғул қасидаси" да ва Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих" асарида ҳам "ўзбек" атамаси учрайди. Ҳамдуллоҳ Муштавфий Қазвиний (1281–1350 й.й.)нинг машҳур "Тарихи гу-



Ўзбек халқи кўпгина бошқа халқлар сингари қадимий халқлардан бири бўлиб, кишилик жамияти босиб ўтган барча ижтимоий-иқтисодий шакллари-нишларни бошдан кечирган. Ўтмишдан қолган ва бизнинг замонамизгача етиб келган тарихи ва бошқа ёдгорликлар ота-бобларимиз қадимдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаганлигини тасдиқлайди. Лекин ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи ҳозирга қадар муфассал ўрганилмаган.

кечирганлар. Масъуд ибн Усмон Қуҳистонийнинг "Тарихи Абулхайроний" номили тарихий асаридан кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг XV асрда ташкил топган давлати тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Бу китобда кўрсатилишича, Оқ Урда ва Шайбон улусида XV асрнинг бошларида: бурқут, қиёт, қушчи, ийжон, қўнғирот, найман, чимбой, қорлиқ, кенағас, дўрмон, қурловут, тубон, мангит, нуқуз, танғут, уйғур, хитой, тоймас, эчки, туман-миң қабилалари истиқомат қилган. Камолдин Биноий XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон теvarига уюшган қабилалар орасида шодбоқли қабилалари ҳам бўлганлигини айтди. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, кўчманчи ўзбеклар қўшинида уйрот, можор ва қипчоқларнинг шакарлари ҳам бўлган.

Абулхайр Фазлуллоҳ Рузбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" деган асарида ҳам ўзбеклар ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз. Унинг фикрича, ўзбеклар (кўчманчи ўзбеклар) асосан уч тоифадан, яъни қабилалар иттифоқидан: Шайбон улусига кирган қабилалар (Шайбонийён), қозоқлар ва мангитлардан ташкил топган.

XVI асрнинг бошида юқорида кўрсатилган қабилаларнинг бир қисми Мухаммад Шайбонийхон етакчилигида Марказий Осиёга бостириб киради ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўрнашиб олади. Шу вақтдан бошлаб "ўзбек" атамаси халқ номини билдирувчи этник атамга бўлиб қолди. Бундан ўзбек халқининг келиб чиқишини XVI асрдан бошламоқ керак, деган хулоса чиқмайди. Бу ерда фақат "ўзбек" сўзининг этномик сифатида келиб чиқиши ҳақида эътибор қилиш керак.

Марказий Осиё ҳудудида қадимдан жуда кўп туркий ва турк тилида сўзлашувчи халқлар яшаганлиги маълум. Бу ўлкани XVI аср бошида босиб олган кўчманчи ўзбеклар эса Мовароуннаҳрнинг туркийзабон халқлари билан аралашиб кетди ва унга фақат ўз номини бериб, ҳолос. Мана шундай қилиб, кўчманчи ўзбек халқининг бир халқ сифатида шаклланишида катта роль ўйнади.

Ана шу кўчманчи ўзбеклар XV асрнинг 20-йилларида Дашти қипчоқнинг бир қисмида (ҳозирги Қозғистоннинг қарийб қисми ва Фарбий Сибирда) – Шайбон улусида ўз давлатларини туздилар. Бу давлатга Жўхоннинг авлоди Абулхайрон (машҳур шоир ва давлат арбоби Мухаммад Шайбонийхоннинг бобоси) асос солди. Бу давлат қирқ йилдан ортиқ вақт ҳукмронлик қилди, Марказий Осиё ва Қозғистон халқларининг келажак тақдирини белгилашда асосий ўрин тутди.

Абулхайрон ва кўчманчи ўзбеклар XV асрнинг ўрталарида Борис, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Сигнок, Саврон, Арқук, Узғанд, Оққўрғон, Сўзук шаҳарларини ҳам эгалладилар. Шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар давлати ўша вақтда ҳозирги Қозғистоннинг катта қисми ва Жануби-Фарбий Сибирь устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Хулоса шунки, кўчманчи ўзбеклар XV аср давомида Дашти қипчоқда жуда катта харбий-сиёсий кучни ташкил қилдилар. Улар туздан давлат эса ўзбеклар тарихида мўғуллар исти-лосидан кейин ташкил этилган биринчи давлатдир.

Бўривой АҲМЕДОВ.
(Манба: tavorix.islom online. uz)

Орзулари кечиккан МАҲКУМА



Муниса Абдулпаттеева (исм-фамилияси ўзгартирилди) олийгоҳнинг иккинчи босқични тамомлаб улгурмаганди. Афсуски, ноҳўя хатти-ҳаракати уни боши берк кўчага олиб кирди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексис 169-моддаси билан айбли деб топилган қиз энди умрининг бир неча йилини озодликдан маҳрум қилиш муассасасида ўтказди.

Ўша кунни Муниса яхши ниётлар билан Фарғона шаҳридаги савдо мажмуасига кийим-кечак харид қилиш учун кирганди. Ҳали у, ҳали бу дўконга кириб, дидига мос либос қидираётди, сотувчиси харидорлар билан андармон, раста қассаси эса очик турган ҳолат эътиборини тортиди. Қассадаги бир тахлам пулларни кўриб-ю, асл максасини унутди. Бир-икки кийимни кўргандай бўлиб, атрофга аланглаб бокди. Дўконда видеокузатув мосламаси кўринмади. Шу лаҳзада шайтон измига юриб, пулларни сиқимига олди-да, жуфтакни ростлади.

Эртаси кунни Муниса харом лўкма юк бўлмаслигини англаб етди. Балки виждони кийналгандир. У ўйлаб-ўйлаб ўйирлаган пулларни қайтариб эгасига бериш учун савдо дўконига келди. Бирок бу дамларда содир этилган жиноят бўйича суриштирув ишлари бошлаб юборилганди. Воқеа жойига ўз оёғи билан келган қизнинг қўлига кишан солинди.

Яқин кунларда Муниса оқ либос кийиб, ота-онасининг дуосини олиб, бир оиланинг бекаси бўлиши керак эди. Бир онлик хомжаёл унинг текис ҳаёт йўлини остин-устун қилиб юборди.

Муниса Абдулпаттеевани "кўча қизи" деб бўлмасди. Болалигиндан спортга бўлган қизиқчи боис, энгил атлетика билан мунтазам шуғулланди. 2021 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон кубогида чемпионлик шохсупасини забт этди. Унинг бу ютуғи олий таълимга имтиёзли равишга кир-

шига замин яратди. Пулга муҳтожлиги бўлмаса-да, ўт-кинчи ҳис-туйғуларга муқкасидан кетгани, баъзи "бойвачча"лар тантанаси каби ниқоҳ тўйини дабдабали ўтказиш истағи, керагидан ортиқ сарф-харажатлар орзуси уни қинғир йўлга қадам қўйишига мажбур қилганди, энди ўзини ҳар қанча оқламасин, кеч бўлганди.

– Маҳкумлар манзилида кунимиз бир хил ўтади. Бу ерда қатъий кун тартибига бўйсуниб яшайсиз. Оила даврасида, жамият орасида эмин-эркинлигингиз ўз қўлингизда. Афсуски эркин ҳаётни йўқотганимдан сўнг унинг қадрига етмайман. Ташқарида бир қанча дўстларим, яқинларим бор эди. Аммо қийин кунларимда ота-онамдан бошқа ҳеч кимни енимда кўрмадим, – дейди Муниса Абдулпаттеева. У шундай дея, дилидаги ушбу сатрларни тилига чиқарди:

Нелардандир кўнгил бўлиб гаш. Ҳам эгиллиб, бу эгилмас бош. Бу ҳолими беролмай бардош. Бир муштипар онам йиғлайди, Қолганлари ёлғон йиғлайди...

"Дарди дунё бўлганнинг дунё қадар дарди бор" дейишди. Балан деворлар оша тиканили сим ўралган муассасада қилимишига яраша жазо муддатини ўтаётган Муниса билан сўхбатимиз чоғида, у афсус-надоматлари "бир тоғ"лигини бот-бот такрорлади. Ўзи йилдан қилиб қўйиб қолган беш йилдан ортиқ вақт хатолардан тўғри хулоса чиқариши учун етарли вақт, аммо ёшлигининг олтин муддатини энди асло ортага қайтариб бўлмайди. У бахтнинг эгизағи борлигига, ҳали яхши кунлари олдинда эканлиги, орзулар рўёби тўхтаган бўлса ҳам бир кун давом этишига ишонди.

– Тўғилган кунимда ота-онам олиб келган гулдастанни қўлимда тутолмадим. Нафис гулларга термулганча, яқинларини қанчалар қийин аҳволга солиб қўйганимдан юрагим эзилди. 19 баҳоримни бу тарзда нишонлаш тушимга ҳам қирмаганди. Ҳибсхонадалигимдан буён онамнинг юзларидан кўлгу ариганини дадам айтди, – дейди Муниса. – Жазо муддатини ўтаб қайтган, умрининг қолган ҳар онини қадрлаб яшайман... У сўзини давом эттиролмади. Тўғриси, шашқатор кўз ёшлари бунга имкон бермади...


М.ТУРҒУНБЕКОВА.

Олимлар олами



Пойтахтда яшаб, ижод қиладиган ёзувчи, журналистлар ўртасида шахмат бўйича мусобақа бошланди. Марказий "Пахтакор" стадиони ҳудудида жойлашган республика шахмат клубини тўлдирган 30 га яқин ижодкор дона суришиб, кунни кеч қилдик. Қоронғи тушиди, мусобақанинг бош ҳақами эълон қилди:

— Эртага эрталаб соат 9:00да мусобақа давом эттирилади! Кеч қолганлар мусобақадан четлаштирилади!



СЎЗИ ОЗОД, РУҲИ ОЗОД, ЎЗИ ОЗОД ИНСОН ЭДИ...

Нима бўлди-ю, эртасига пича ҳаяллади. "Мусобақа бошланди кетган бўлса-я!" деган хавотирда шоша-пиша шахмат клубига етиб борганимда соат 9:30 га яқинлашган, кеч куз эмасми, ҳаво совуқ, изғирин, қор учқунлар, не қўз билан кўрайки, клуб биноси ёнида... Озод Шарафиддинов ногиронлик аравасида, ёлғиз қунишиб ўтирар, на мусобақа иштирокчиларидан, на ташкилотчиларидан бирортаси кўринар, ҳатто эшиклар очилмаганди...

Ҳаётда кўп-кўп ютуқларга эришган, тажриба орттирган сермахсул инсонларга ҳавас қиламиз, бундай ютуқларнинг асл сабабларини сўраймиз-суриштирамиз. Хилма-хил жавоблар орасида эса аксарият энг муҳими кўпда эътибор бермаймиз. "Энг муҳими" деганда, мен интизомни назарда тутяпман, ИНТИЗОМНИ! Интизом бўлмаган жойда ҳар қандай орзу-ният, ҳар қандай меҳнат-машаққат, ҳар қандай интилиш ҳавога совурилиши ҳеч кимга сир эмас, синоат эмас, гўё жуда-жуда кўпчилик учун бу оддий ҳақиқат, ҳикмат. Лекин унга риюя этишга келганда... интизомсизликка йўл қўямиз. Ҳатто этиқод, ҳатто Аллоҳ инъом этган истевдод, ҳатто соғлиғимизни асраб-авайлаш учун бениҳоя зарур кундалик мажбурийларимиз ҳам жуда оддий ва арзимас кўринган интизомсизликларимиз кўрбонига айланади.

Озод домла умри мобайнида нимагаки эришган бўлса, феъл-атворидаги интизомга садоқат туфайли эришди!

Орамизда ёзувчи-шиор озми? Адабиётшунослик ноини еб умргузаронлик қилаётганлар озми? Номдорлари озми?! Уларнинг ҳеч бирларини камситмаган ҳолда беихтиёр ўйлаб кетасан киши: нима сабабдан "Замон. Қалб. Поэзия" китоби 1962 йилда чоп этилди-ю, адабий жамоатчиликни ларзага солди, орадан 60 йил ўтса-да, китоб хали-ҳануз ўзбек зиёлиларининг ёдидан чиқмайди, қўлма-қўл ўқилади? Қадрланади? Ваҳоланки, Қўқон шаҳрининг Охунқайнар қишлоғида таваллуд топган му-

аллифни кўпчилик танимас-билмас, у эндигина 30 ёшдан ошган навқирон мутахассис эди, холос. Озод Шарафиддинов муаллифларнинг жамиятда тугган маъқайдан кўпга назар, бадий асарларни бадийлик қонуниятлари асосида таҳлил қилди, баҳосини берди. Жўн қилиб айтганда, ТУҒРИСИНИ ёзди, БОРИНИ ёзди. Таъбир жоиз бўлса, бадийлик қонуниятларига нисбатан ўзидаги — илмидаги интизомни садоқат, холислик, масъулият даражасига кўтарди.

Одамнинг исмида ҳикмат кўп деган гапни Озод домлага нисбат берилса, олам-олам таассуротлар ёғилади. Устоз фавқуллода озод инсон эди, фикрда, дунёқарашда, тафаккурда эркин-хур эди. Инсон ҳар қадам-ҳар лаҳзада кимгадир-нимагадир баҳо беради, муносабат билдиради, бу табиий ҳол. Озод Шарафиддинов қандай ўйласа, тўла ишонч ва қатъият билан шундай гапирар, нуқтаи назари бошқаларнинг нуқтаи назари билан "тил топишадими-йўқми", муроса йўлини изласади. Шўро мафқураси авж пардада "шаталоқ отган" даврларда ҳам жаҳид мунавварларимизни ҳимоя қилиш борасида бир қадам (!) ҳам чекинмади. Мафқурани таёқ қилиб икки қўлида ўйнатадиган казо-казолар панжасига панжа уришдан чўчимди. Қизиги шундаки, Озод домла буларни қахрамонлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик байроғи остига яширган йўқ, ҳаёт, тарих ва бадий ҳақиқат мезонларидан келиб чиққан ҳолда тўғри деб билди. Инон-ихтиёрини ботини тўлдирган озод руҳга топшириб яшади.

Мутолаага ўчлик борасида Озод домлага бас келадиган китобхон йўқ эди ҳисоби. У кишининг тий-натиди кўз очган ва тарбияланган (юқорида санаб ўтилган) озодлик, хурлик, эркинлик туйғулари чуқур илмий асосдан етилиб чиққани учун ҳам кучи, қудрати, залвори билан ажралиб турар, бу илмий салоҳиятга қарши мулоҳаза айтишга унча-мунча "дўст-у ганим" журъат қилолмасди. Нафақат расмий маросимларда, оддий дўстона улфатчилик давраларида ҳам Озод ака "афдан-бафдан" қабиллада шунчаки гурунглашмас, яқинда ўқиган китоби борми, томоша қилган

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

УСТОЗЛАР, САФДОШЛАР, ШОГИРДЛАР НАЗДИДА

Озод Шарафиддинов адабиёт илмига, аниқроқ қилиб айтсак, адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозиргача у мана шу фазилатни сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Озод ўз фикрини назокат билан, муаллифнинг дили оғримайдиган қилиб айтади. Фақат йўли билан, жуда чиройли қилиб айтади.

Саид АҲМАД.

Ҳар бир замонда ижод аҳлидан, зиёлилардан жасорат талаб қилиш учун Озод Шарафиддиновдай инсонлар керак.

Эркин ВОҲИДОВ.

Озод Шарафиддинов ҳаммамизнинг ҳам маслаҳатгўйимиз эди.

Одил ЁҚУБОВ.

Илмий-амалий фаолиятда Озод Шарафиддинов анчагина қийинчиликларни бошидан кечирди. Бунга аксарият ҳолларда унинг чўртқесарлиги, ўз фикрларини холисона ва дадил айтишга мойиллиги сабаб бўларди.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.

Дадил айтиш мумкинки, биринчи галда Озод аканинг сазй-ҳаракати туфайли миллий танқидчилигимиз замонавий жаҳон танқидчилиги тафаккури даражасига кўтарилди. Ярим аср давомида бу улғур зот танқидчилигимизнинг карвонбоши — лидери бўлиб келди.

Умарали НОРМАТОВ.

Домланинг исми унинг феъл-атворида ўз аксини топганига шубҳа йўқ. Озод Шарафиддинов ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатни айтиш ва ёзишдан чекинмади.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Озод ака "ҳаётини силлиққина яшаб ўтган жўн одам"лардан эмас.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Устознинг энг ёмон кўрган одами — ваъда бериб, унинг устидан чиқмаган кимса эди. Устознинг ёмон кўрган иккинчи тоифаси — танбал кишилар эди.

Мирпўлат МИРЗО.

Озод Шарафиддинов оғир хаста бўлишига қарамай, қанчадан-қанча бугунги ўзбек ўқувчиси учун нондай зарур китоблар, дунё тафаккури жаҳоҳири бўлмиш эсселар намуналарини хормай-толмай навқирон бир ғайрат, шижоат билан ўзбекчалаштираётгани ҳам барчамизга ҳавас ва далдадир.

Иброҳим ҒАҒУРОВ.

фильми борми, ўшалардан сўз очар, сўхбатдошларга янгидан-янги маълумотлар улашар ёхуд ўзини ўйлангирган қайсидир масала-муаммони ўртага ташлаб, даврадагиларни фикр алмашишга чорлар, ундар эди. Очиги, Озод ака фалон китобни ўқидингизми ёки пистон фильмни томоша қилдингизми, деб сўраб қолишдан ҳайқардик. Фикрчан, янгиликка ўч ҳамсўхбат Озод домланинг жони дили эди, бу борада сўхбатдошнинг мансаб-мартабаси, ёшига қарамасди.

Озод Шарафиддинов умр бўйи халқимизнинг улкан ва номдор зиёлилари даврасида яшади, ижод учун ҳам кучи, қудрати, залвори билан ажралиб турар, бу илмий салоҳиятга қарши мулоҳаза айтишга унча-мунча "дўст-у ганим" журъат қилолмасди. Нафақат расмий маросимларда, оддий дўстона улфатчилик давраларида ҳам Озод ака "афдан-бафдан" қабиллада шунчаки гурунглашмас, яқинда ўқиган китоби борми, томоша қилган

ошиб бораётган Озод Шарафиддиновга қайтадан ёшлик ғайратини инъом этди. Адабиётимиз тарихининг очилмаган кўриқларини очишда, мумтоз адабиётимиз аъналарини ардоқлашда, ўзбек адабиётини жаҳон адабиётининг ҳақли аъзоси сифатида қадрлашда... халқимиз ҳаётининг энг қайноқ жабҳаларига доир қарашларини, фикр-мулоҳазаларини дадил ва баралла ўртага ташлашда бирон кун, бирон дақиқа куч-ғайратини аямади домла. "Истиқлол фидойилари", "Сардафтар сарлавлари", "Маънавий камолот йўллариди", "Чўлпонни англаш", "Ижодни англаш бахти" сингари ўнлаб китоблари, юзлаб таржима асарлари кенг китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. Том маънодаги ЗИЁЛИ шахсга — жамиятга юз бераётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ҳақида шахсий муносабатини билдиришга ҳақли инсон мақомига кўтарилди.

Домланинг "Этиқодимни нега ўзгартирдим?" деб номланган

икрорномаси фавқуллода шов-шувга сабаб бўлди. Комфирқа тарих сахнасини тарк этгач, миллионлаб одамлар этиқодлараро сарсонликка учради. Энг оғир, ким қайси этиқод этагини тутишини билмай, аросатда қолди. Озод домла эса заррача иккиланмай минбарга чиқди, қалбида не гап-не дарди бўлса, борини борича тўкиб солди. Бу ҳам мардлик, тантлик эди. Уйлаганидай гапириши, гапирётгандай яшашига яққол мисол эди. Буюк Лев Толстойнинг "Икрорнома"си туртки бердимикан бундай жўмардликка, деган хаёлларга борасан киши. Нақадар улкан меҳр-муҳаббат ҳаяжониди ўзбекчалаштирган эдилар домла бу бебаҳо тавбани, васиятномани!..

...1996 йил 4 сентябрь. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳузурда бир гуруҳ маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари йиғилиши. Давлатимиз раҳбари сўз навбатини Озод акага берди. Домла, "Адабиёт шундай соҳаки!" дея жумлани бошлаб улгурмай, Президент шундоққина ўнг томонида ўтирган Озод домла томон ўғрилди-да, "Яхши биламан, сиз дунё адабиётини севадиз, нима учун ўзбек ўқувчилари учун "Дунё адабиёти" деган журнал чиқармаслигимиз керак?! Имонимиз бор-ку!" деди. Орадан кўп ўтмай, "Жаҳон адабиёти" журналининг илк сони Озод Шарафиддинов бош муҳаррирлигида босмадан чиқди! Домланинг имзоси билан ўқувчиларга тақдим этилган "Жаҳон адабиёти"нинг дастлабки 100 сони миллий адабиётимизда ўзига хос тарихга айланган.

Бир гапни айтиш ўрни келди. XX асрнинг аввалида халқимизнинг пешқадам вакиллари сафиди жонбозлик кўрсатган мунавварларимизни яхши биласиз: Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон...

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр: Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Максуд Шайхзода...

Уларнинг издошлари: Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов...

Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Қайси халқнинг тарихи ўрганилса, турли даврларда кенг омманинг турмушини қозонган, халқ номидан сўз айтишга маънавий ҳаққи бўлган инсонларнинг аксарияти ижод кишилари бўлишган — адиблар, шоирлар, публицистлар...

Кўз ўнгимдан ўчмайди у манзара, қўлогим остидан кетмайди у сўзлар. Шу ёшга чиқиб, шу-унча оғирдан-оғир дард-азобларини бошдан кечириб, бир оғиз "ўх" демади-я, бу Инсон. Нолимади-я! Аллоҳ раво кўрган умрининг сўнгги лаҳзаларини-да ганимат билги, адибларимиз, ёшларимиз, мухлисларимиз жаҳоннинг машхур сўз заргарларининг адабиёт ҳақидаги ўлмас ўғитларидан бохабар бўлишларини истади, орзу қилди, умид қилди...

сўхбат ва интервьюлари ҳақли равишда кенг китобхонлар, газет-хонлар, журналхонлар томонидан севиб ўқилди. Салмон Рушдидек замонавий жаҳон адабиётининг таниқли вакилига очик мактуб йўллаб, тап тортмай унинг популарини пасайтирадиган гапларини айтди.

...Ўзбекистон телевидениеси "Ахборот" кўрсатувининг номдор шарҳловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммадjon Обидовнинг "Фарғона ёғ-мой" қорхонасидан тайёрлаган журналистик текшируви энг юқори даражаларда акс садо берди. Тегишли чоралар кўрилди. Озод Шарафиддинов айти шу кўрсатувдан илҳомланиб тутилган эҳтиросларини Муҳаммадjon Обидовга йўллаган очик хатиди батафсил баён этди.

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2001 йил 21 июнь сониди босилган очик хат нафақат бир телемуҳбирнинг жасорат билан тайёрлаган ахбороти, балки тўғри сўзнинг, халқ манфаати йўлида адолат йўлини тутишининг нақадар оғирлиги ва машаққатларга тўлаллигига хурмат тантанасига айланди. "Масъулият" деб номланган очик хат, аввало, халқимиз ҳаётидаги ҳеч бир воқеа-ҳодиса Озод Шарафиддиновнинг зийрак ва ҳушёр назаридан четда қолмаслигининг далолатига айланган бўлса, иккинчидан, мазкур муносабат миллий журналистикамиз тарихига муҳрлаб қўйишга арзирли воқеа сифатида ёдда қолди!

...1999 йил, 16 апрель. Миллий академик драма театри гавжум. Тантана қахрамони — таваллудининг 70 йиллиги нишонланган Озод Шарафиддинов сўзини фавқуллода қисқа қилди:

— Юрагим гапга тўлиб ётибди... Зиёли одам вақти келиб шаҳарнинг бош майдонига чиқиб, халқнинг юзига тик қониб, ҳисоб беришга тайёр бўлмоғи лозим!

...Қандайдир юмуш билан домланинг уйига бордим. Ичкари кирдим. Устоз қароватда ўтирибди. Икки оёқ кесилган, бир бурда тана. Олдиди ясама курси, бош узра 500 қувватли лампочка чарақлаган, кўзойнак тақилган, бир қўлда лупа — домла бош кўтармай ўқиб, ёзиб-чизяпти.

— "Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида" китоби учун мақолалар таржимаси тугай деб қолди, шу билан бандман...

Кўз ўнгимдан ўчмайди у манзара, қўлогим остидан кетмайди у сўзлар. Шу ёшга чиқиб, шу-унча оғирдан-оғир дард-азобларини бошдан кечириб, бир оғиз "ўх" демади-я, бу Инсон. Нолимади-я! Аллоҳ раво кўрган умрининг сўнгги лаҳзаларини-да ганимат билги, адибларимиз, ёшларимиз, мухлисларимиз жаҳоннинг машхур сўз заргарларининг адабиёт ҳақидаги ўлмас ўғитларидан бохабар бўлишларини истади, орзу қилди, умид қилди...

**Хуррид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юшмаси аъзоси, ёзувчи,
"Фарғона ҳақиқати"
учун махсус.**

P.S.

ТАҚДИР ЎЙИНИ

2005 йилнинг 4 октябрь кўни рўзанинг биринчи кўни саҳарлигини ўтказиб, энди тиловати Кўрўн қилган эдик, телефон овоз бериб қолди. Домлаимиз Умарали Норматов: "Озод акани бериб кўйдик" дедилар. Тақдир ўйинига эътибор қилинг. Фитрат, Отажон Ҳошим, Сулаймон Ҳўжа, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби гўзал ва беназир инсонлар айнан 4 октябрь кўни наҳорда отилганлар.

Бўни қарангки, устозимиз Озод Шарафиддинов ҳам 4 октябрда ҳаётдан кўз юмдилар...

Омонулла МАДАЕВ.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uy" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11043.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кўни чиқади. Алади: 2801 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
		Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.